



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Хұжанов Н. З

Самамарқанд давлат университети таянч докторанти

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СУҒД ВА УСТРУШОНА АЛОҚАЛАРИ
(НУМИЗМАТИК МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА)**

Аннотация

Суғд ва Уструшонанинг ilk ўрта асрлар даврига оид тангаларидаги үхшашликни аниқлаш учун тангаларнинг хусусиятларини аниқланғанлозим бўлади. Суғдий ёзувли Уструшона тангаларида атамалар ўрин кўсатиб берилган. Уструшона тангаларининг ушбу 3 та туридан ҳар бирининг бирмунча ажralиб турувчи вариантлари ҳам борлиги асосланган. Уструшона ҳукмдорлари томонидан зарб этилган тангаларда тарихий-географик тушунча – “Уструшона” атамасининг суғдий ёзувли тангаларда учраши масаласи тахлил қилинган.

Калит сўзлар: Суғд ва Уструшона, нумизматик материаллар, Панч, афшин, Сатачари.

Қадимги давр ва ilk ўрта асрларда ўзига хос маҳаллий бошқарув шаклига эга бўлган Ўрта Осиё воҳа ҳокимликлари, яъни, мулкликлари орасида Суғд ва Уструшона алоҳида ажralиб турди. Умумсуғдий маданият доирасидаги ҳар иккала давлат уюшмаси минтақанинг бошқа воҳа ҳокимликларидан фарқли ўлароқ бирмунча үхшаш жиҳатларга эга эди. Бу, аввало уларнинг маданияти, этник томондан яқинлиги, диний-маънавий қадриятларнинг муштараклигига ўз тасдигига эга. Бу яқинлик ушбу давлат уюшмаларининг танга-пул тизимидағи бирмунча үхшашлик асосида ҳам янада яққолроқ ўз исботини топади.

Нумизматик материаллар нисбатан кам топилғанлиги учун Суғд ва Уструшонанинг қадимги даврдаги танга-пул зарбида қанчалик яқинлик бор ёки йўқлигини аниқлаш



қийин, бирок илк ўрта асрларга оид топилмалар орқали улар орасидаги умумий жиҳатларни кузатиш мүмкін.

VI–VIII асрларга оид сұғдий ёзувли Уструшона тангаларида қуидагича атамалар ўрин олганligini күриш мүмкін:

- 1) Олд томонида бироз ўнгга қараган тожли ҳукмдор боши тасвири, тескари томонида эса Ҷ кўринишидаги тамға, унинг ўнг ва сўл ёнида сұғдий ёзув ўрин олган тангалар. Тангалардаги ушбу ёзувларни талқин қилинишга уринишилар бўлган. Жумладан, ўз даврида сұғдшунос-тангашунос олима О.И.Смирнова томонидан тангадаги сұғдий жумла *ry'nc MR'Y* “ҳукмдор = “афшин” Раханч” деб ўқилган ва анча йиллардан буён ушбу талқин барқарор бўлиб келмоқда;
- 2) Танганинг олд томонида бироз чапга қараган тожли ҳукмдор боши тасвири, тескари томонида эса Ҳ кўринишидаги тамға, унинг ўнг ва чап ёнидаги сұғдий ёзувли жумлани олима *срдтуш MR'Y* “ҳукмдор = “афшин” Чирдмиш” шаклида талқин қилишга ҳаракат қилган;
- 3) Олд томонида ўнгга йўналган фил тасвири, тескари томонида эса Ҷ Ҳ кўринишидаги қўшалоқ тамға, уларнинг ўнг ва чап ёнида сұғдча ёзувда *sttcry MR'Y* “ҳукмдор = “афшин” Сатачари” сўзлари ўрин олган тангалар. О.И.Смирнованинг тангалардаги ушбу сұғдий жумланинг талқини борасидаги фирмалари соҳа мутахассислари томонидан ҳам танга олинганлиги маълум.

Шу билан бирга, бироз қуидаги кўриб чиқиладиганидек, Уструшона тангаларининг ушбу 3 та туридан ҳар бирининг бирмунча ажralиб турувчи вариантлари ҳам борлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, айrim тадқиқотчилар томонидан илмий муомалага эндиғина танитилаётган Уструшона тангаларини ҳам ушбу давлат уюшмасининг бошқа типдаги тангалари қаторига киритиш мүмкін.

Қизиғи шундаки, Сұғдан фарқли ҳолда ёзма манбаларда учрайдиган Харабуғра (Қора-бўғра) (720-738), Xанахура (738-800), Кавус (800-825), Афшин Ҳайдар (825-840), Ҳасан (840-860) каби Уструшона ҳукмдорларидан бирортасининг исми танга-пулларда ўрин олмаган. Эҳтимол, Уструшонанинг иккинчи сулоласи деб ҳисобланадиган ушбу сулола вакиллари ўзларидан олдинги Уструшона ҳукмдорларининг танга бостириш анъаналарини давом эттиргандирлар. Танга зарбидаги мазкур анъаналар худди Сұғддаги каби Уструшонада ҳам кечган бўлиши мүмкін [1.92-93].

Тадқиқотчилар кўп йиллардан бери Уструшона Афшинлари сулоласининг келиб чиқишида Сұғдининг, хусусан, унинг Самарқанд ва Панч каби етакчи ҳокимликларининг қандайдир бир даражада иштироки борлигини илгари суриб келишади. Сұғдшунос Б.Фойибов Муғ тоғи архиви В-8 ҳужжатини таҳлил қилган ҳужжатнинг илк ношири В.А.Лившицнинг Чакин чўр Билганинг келиб чиқиши *βγt* вилояти эканлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам бу ҳудудни Уструшона билан боғлаш мумкинлигини таъкидлайди. Чакин чўр Билганинг бир вақтда ҳам *βγt* ҳукмдори ва ҳам Панч ҳукдори сифатида келтирилиши Панч ҳукмдорларининг Уструшона ҳукмдорлари билан боғлиқлари борасидаги фикрга йўл очади дея келтириб, манбаларда Уструшона ҳукмдорларидан Қора Буғранинг бир муддат Кабудонни бошқарганлигининг тилга олиниши, Ғуракнинг Уструшона ҳукмдорлари



авлодларидан эканлиги борасидаги фикр ҳамда Чакин чўр Билганинг келиб чиқиши каби қарашлар ушбу масалада асос сифатида келтиради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, VII –VIII асрларга тегишли Панч ва Уструшона тангаларида оромийча *MR'Y* гетерограммаси учраб, кўпчилик тадқиқотчилар унинг маҳаллий суғдий унвон “афшин”ни ифодалаганини таъкидлайдилар. Шу ўринда исломдан олдинги Ўрта Осиёдаги ўтроқ воҳа ҳокимликлари – ўнлаб катта-кичик мулкликлар орасида фақатгина Уструшона, Самарқанд ва Панч бошқарувида “афшин” унвони учрашини айтиб ўтиш керак. Араб истилоси арафасида тузилган “Самарқанд шартномаси”нинг арабча вариантини келтирган ал-Куфий асарида Самарқанд ҳукмдори Ғурак (710-738) учун “*Ихшид ўғли, Самарқанд афшини*” ибораси учраса, Яъқубий Ғуракни “*Сүғд ихшиди, Самарқанд афшини*” деб қайд этади. Ушбу шартноманинг форсий таржимасида уни “*Сүғд ихшидининг ўғли, Самарқанд афшини, сүғдий*” деб келтириб ўтади. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида эса Панч ҳукмдори Деваштич (709-722) *sywðy[ŋ]k MLK' sm'rknðs MR'Y* “Сүғд подшоси, Самарқанд – ҳукмдори = афшини” деб тилга олинади. Бошқа ҳокимликлар – мулкликларга қараганда ўзаро қўшни ва қўплаб маъмурий бирликлари (рустоқ, йирик қишлоқлар ва ҳ.к.) бир-бирига туташиб кетган ушбу ҳокимликлар бошқарувчиларининг бош унвони “афшин” бўлиши ва ушбу унвоннинг деярли бир пайтда ёзма манбаларда учрай бошлиши бежиз бўлмаса керак.

Шу билан бирга, Панч ва Уструшона тангаларида ўрин олган тамғалар ташки кўриниши жиҳатидан бир-биридан бутунлай фарқ қилганлиги қўзга ташланади: **Ч - Ҳ - §** (Уструшона) - **❖ - ❖ - ❖** (Панч). Бу масала келгусида чуқурроқ изланишлар олиб борилишини талаб қиласи. Ж. Ильясовнинг ёзишича, Панч ҳукмдорларигининг ушбу тамғалари ўз кўриниши жиҳатидан таянч маркази Тоҳаристон ва унга туташ минтақалар бўлган Эфталийлар давлати (III – VI асрлар) тамғаларига ўхшайди, бу эса Панч ҳукмдорларининг келиб чиқишини эфталийлар билан боғлашга имкон беради. Албатта бу масала тўлиқ ўз ечимини топгани йўқлигини таъкидлаш лозим [8.58-59]. Бироқ В.А. Лившицнинг исломдан олдинги Панч ҳокимлигига бағишланган маҳсус мақоласида Панч бошқарувчи сулоласининг эфталийларга алоқадорлиги масаласи кўтарилмаган. Аксинча, олим қўплаб далилларга таяниб, ушбу ҳокимлик бошқарувчиларини туркий-суғдий аралаш сулола, маҳаллий суғдий аслозодалар билан қариндошлиқ алоқалари ўрнатган хонадон сифатида талқин қилган. В.А. Лившицнинг мазкур қарашлари кейинги йилларда бир қатор тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган изланишларда ҳам қайта кўриб чиқилиб, Панч ҳукмдорларидаги маҳаллий сулоланинг тарих саҳнасига чиқишида Турк хоқонлигининг ҳиссаси юқори эканлиги кўрсатиб берилган.

Турли тиллардаги ёзма манбаларда учрайдиган исломдан олдинги Самарқанд ҳукмдорларидан 7 нафари (Шишпир (640-650), Тўнга/Вузург (?), Вархуман (650-675), Тукаспадак (695-698), Тархун (700-710), Ғурак (710-738), Турғар (738-750))нинг исми, яъни, Марказий Суғд ҳукмдорларининг деярли барчасининг исми тангаларда ўрин олган бўлса, Уструшонада бу ҳолатнинг тескарисини кузатиш мумкин. Яъни, Уструшона тангаларида учрайдиган ҳукмдор исмлари – Чирдмиш, Сатачари, Раханч исмлари бирор ёзма манбада сақланиб қолмаган. Шу ўринда, бироз қуйида батафсилроқ кўриб чиқиладиган кейинги йилларда аниқланган Уструшона тангаларида учрайдиган “элтабар” атамаси бирор ҳукмдор исми эмас, туркий юқори унвонлардан бири экани айтиб ўтиш керак.



Суғдшунос О.И.Смирнова исломдан олдинги Уструшона ҳукмдорларидан 14 нафарининг исми маълум эканини ёзиб, улардан қуйидаги 7 нафари ўз “танга”сига эга бўлганига ургу берадилар: 1) Биринчи сулола - тахминан 600-йилдан 720-йилгача - 1. Чирдмиш, 2. Сатачари I, 3. Раханч I, 4. Сатачари II, 5. Сатачари III, 6. Раханч II, 7. Раханч III. Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, бундай ёндашув бутунлай шартли бўлиб, айrim тадқиқотчилар баъзи Уструшона тангаларидағи кичик фарқлиликларга қараб, уларни Сатачари I, Сатачари II, Сатачари III тангаси деб номлашган ва гўё уларни битта исмдаги бир неча ҳукмдорлар, кетма-кет ёки бирмунча кейин Уструшона тахтида ўтирган бошқарувчилар сифатида талқин қилишган [13.31-38]. Шунга ўхшаб Раханч I, Раханч II, Раханч III деб номлаш ҳам шартлидир. Биринчидан, бундай исмдаги шахслар Уструшонани бошқарганлигига доир ёзма манба маълумотлари учрамайди. Иккинчидан, танга кўрсаткичлари бундай кескин фикр билдиришга йўл бермайди. Гарчи айrim тадқиқотчилар Сатачари ва Раханч исмли ҳукмдор исми учрайдиган тангалардаги турли вариантларида хоч, тамғага бирор қўшимча белги кўйилиши, ҳукмдор портретида бирмунча ўзгаришлар (ҳукмдорнинг бироз ўнгга ёки чапга юзланиши, безаклардаги кичик фарқлиликлар) Уструшона ҳукмдорларини Раханч I ёки Раханч II, Сатачари I ёки Сатачари II деб номлашга йўл қўймайди. Тангашуносликдан маълумки, битта ҳукмдор ўз номидани бир неча турда танга зарб қилдириб, уларда бири иккинчи турдаги тангада учрамайдиган фарқли иконографик хусусиятларни акс эттиришган. Буни Чоч ҳокимлиги тангаларини ўrnak сифатида келтирадиган бўлсақ, Фарбий Турк ҳоқонлиги бошқарувчиси Тун ябгу-ҳоқон (619-630) қуйидаги: 1) тахтда ўтирган ҳукмдор тасвири, 2) қўшалоқ портретли (ҳоқон ва малика) тасвири ўз тангаларини зарб қилдирганини аниқланган. Демак, Уструшона ва унга қўшни ҳокимликлар тангаларида ҳам ўрин олишига ғоят табиий ҳол, деб қараш керак бўлади. Хусусан, Раханч тангаларининг айrim типларида христианлик рамзи бўлмиш хоч ўрин олиши билан бирга, асосий тамға шаклида ҳам ўзгаришлар бўлгани, яъни, тамғанинг чапга қайрилган пастки қисмига яна шунга ўхшаш қўшимча белги қўшилганлиги қуйидаги тангада яққол қўзга ташланади - ⚡.

Шу ўринда таъкидланиши лозим бўлган яна бир масала шуки, суғдшунос Б.Фойибов муайян ҳукмдорнинг ўз номидан турли тасвири тангалар зарб этиши Марказий Суғд учун ҳам хос бўлиши мумкинлигини ҳам илгари суради. Чунки, Самарқанд ҳукмдорлари баъзан ўз портретларини қўйиб, баъзида қўшалоқ (аёл ва эркак) тасвири тангалар зарб эттиришганларни маълум.

Юкорида айтиб ўтилганидек, айнан қайси ҳокимлик томонидан зарб қилингани ўз ечимини топмаган бир томонида ҳукмдор ва малика тасвири, орқа томонида эса “хотун” унвон ўрин олган *MR’Y* унвонли тангалар ҳар иккала давлат уюшмаси (Суғд ва Уструшона) ўртасидаги сиёсий алоқаларни ёритишда муҳим маълумотлар бериши мумкин. Қарийб олтмиш йилдан бери турлича талқин қилиб келинаётган ушбу тангалардаги суғдий ёзув О.И. Смирнова томонидан ... *MRWY bcs’ γ ttwnh* “... подшо хотун”, F. Бобоёрв ва А.Кубатинлар томонидан эса *MR’Y rpsu nn x’ttwnh* “Панч ҳукмдори Нана Хотун” ва “Панч подшоси (ва) Нана Хотун” тариқасида ўқилган [2.251-256.]. Бундай тангалар асосан Самарқанд ҳокимлиги ва атрофларидағи шаҳар харобаларидаги VII – VIII асрларга оид маданий қатламлардан топилиб, айrim тадқиқотчиларга кўра, Самарқанд ҳукмдорларига, баъзи тадқиқотчиларга кўра эса Панч ҳукмдорлиги билан алоқадордир. “Хотун” унвонли ушбу тангаларда Самарқанд тангаларида учрайдиган ⚔ кўринишидаги тамға, Панч тангаларига хос тамғалар ⚔(



Ҳ, Ҳ) ва Уструшона тангаларидан ўрин олган Җ қўринишидаги тамгалардан бутунлай фарқли Ҳ шаклдаги тамға учрайди.

Ёш тадқиқотчи Қ.Алмановнинг ёзишича, “бу турдаги тангалар Афросиёб, Коғирқалъя каби Самарқанд, Панжикент, Қулдортепа каби Панч ҳокимлиги билан боғлиқ шаҳар қолдиқларидан эмас, Самарқанд ҳокимлигининг Жиззах ҳокимлигига туташ шимолий худудларидағи ёдгорликлар – Мингтепа (Булунғур) ва унга яқин жойлашган ёдгорликлардан кўпроқ топилаётгани “хотун” унвонли тангаларнинг айнан қайси ҳокимликка тегишли экани масаласини қайта кўриб чиқишини талаб қиласи”. Унинг фикрича, бу тангалар Кабудон мулклиги Уструшонага қўшиб олинган палла – VII асрнинг охири – VIII асрнинг бошларида Уструшона афшинлари томонидан бостирилган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Лекин бу фикрни инкор этувчи далиллар ҳам мавжуд. Айни асрларда Марказий Суғд – Самарқандга қарам бўлган ва унга туташ жойлашган Кабудон мулклигини Уструшона ҳукмдорлари итоат эттиришлари тарихий ҳақиқатдан йироқ бўлиб, Уструшонанинг Кабудонни эгаллаши билан боғлиқ маълумотлар хитой йилномаларида келтирилган “Цао” атамасининг нотўғри локализациялаштирилиши билан боғлиқ. Чунки йилномаларда келтирилган “Цао” атмаси Суғднинг Иштихон ва Кабудон ҳокимликлари ва Уструшона учун ишлатилган. Бу эса илмий адабиётда Уструшона гўёки Кабудон ёки Иштихонни босиб олган деган фикрни келтириб чиқарган [7.35-39]. Қолаверса, суғдшунос Б.Ғойибовнинг лутфан берган маълумотларига кўра, “хотун” унвонли тангаларнинг турли худудларда топилиши ва уларнинг айни худудларда зарб қилинганлиги билан боғлиқ қарашларнинг замирида ушбу унвондаги шахснинг хоқонликнинг вакили сифатида ушбу минтақаларда унинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жорий этилганлигидан далолат беради.

Суғд ҳокимликлари тангалари уларда учрайдиган ҳукмдор исмларининг хитой, суғдий, араб ва форс тилларидағи ёзма манбаларда учраши туфайли “Самарқанд тангалари”, “Панч тангалари”, “Кеш тангалари”, “Нахшаб тангалари” деб юритиб келинади. Бироқ бу масалада ҳам Уструшонада бир қатор муаммоларга мавжуд. Ушбу минтақа тангаларида уларнинг зарб қилинган жойи ёки қайси ҳокимликка оид эканлигига доир бирор ишора учрамаса ҳам, тадқиқотчилар асосан тангаларнинг мазкур тарихий давлат уюшмаси худудида жойлашган қадимий шаҳар харобаларида топилишидан келиб чиқиб уларни “Уструшона тангалари” деб атаб келардилар. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида бу тангаларнинг янги бир типи аниқланиб, ундаги жумлалар F. Бобоёрөв томонидан *stt̪cry 'wstwršnc MR'Y...* – “Уструшона ҳукмдори... Сатачари” шаклида ўқилди [4.18-40]. Бу эса ушбу тангалар гурухининг айнан Уструшона ҳокимликларига тегишли эканини кўрсатди. Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазишмалар пайтида яна бир қатор янги нусхадаги Уструшона тангалари аниқланган бўлиб, уларнинг айримларидаги суғдий ёзувлар тўлақонли ўқилганича йўқ. Ушбу тангалардаги ёзувларнинг ўқилишини шартли деб қабул қилган ҳолда айтиш мумкинки, Уструшона тангалари суғдий ёзувли тангалар орасида анчайин кам тадқиқ этилганларидан бири ҳисобланади.

Уструшона ҳукмдорлари томонидан зарб этилган тангаларда тарихий-географик тушунча – “Уструшона” атамасининг суғдий ёзувли тангаларда учраши масаласига япон суғдшуноси Ю. Ёшиданинг эътибор қаратган. Унга кўра, олд томонида тўғрига юзланган ҳукмдор боши тасвири, тескари томонида эса Җ кўринишидаги тамға ва унинг теварагида суғдий ёзувда [’str](w)šny-kw MR'Y 'y(r)tp 'y[r] “Уструшона



хукмдори Элтабар” сўзлари ўрин олган тангада бу сўз учрайди. Ю. Ёшиданинг ёзишича, Уструшона тангаларида эски туркча “элтабар” сўзи учраши ўша даврдаги сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ. Хитой йилномаларида “элтабар” атамаси “сие-лифа” кўринишида учраб, Турк хоқонлиги томонидан бўйсундирилган ўлка бошқарувчиларига берилган унвонлардан бири эди [14.168].

Хитой йилномаларида келтирилишича, хоқонлик ўз бошқарувини қулайлаштириш учун ўзига бўйсунувчи ҳар бир вассал ўлка бошқарувчисига туркча “элтабар” унвонини берган ва “тудун” унвонли ноиб юбориб, уларни назоратда тутган [3.283], яъни, назорат устидан назорат тамойили хоқонликнинг давлат бошқарувидаги муҳим асос бўлган. Бу юқоридаги ҳолатда кўзга яққол ташланади. Бу эса хоқонлик қўл остидаги ўлкалар бошқарувида “элтабар” унвони қўлланила бошлашига олиб келган. ’у(r)tp ’у[r] “элтабар” унвонли Уструшона тангаларининг келиб чиқиши ҳам шу каби тарихий воқеликлар билан боғлиқ. Панч хукмдорлигига тегишли Муғ тоги суғдий хужжатларида ушбу унвон *туттур*, *дуттур* шаклларида учраб, хужжатлар мазмунидан Суғднинг юқори лавозимдаги амалдорларида нисбатан қўлланилгани аён бўлади [9.89-99].

Кейинги йилларда Уструшона тангалари қаторига яна бир неча тип (тур)даги тангалар қўшилди. Қизиги шундаки, уларнинг битта типида Уструшонанинг бошқа тангаларидагига бирмунча ўхшаш хукмдор тасвири ва Υ кўринишидаги тамға учраб, бирор ёзув ўрин олмаган.

Тангашуносликда “анэпиграфик тангалар” деб юритиладиган бундай тангалар Чоч ва Уструшонадан фарқли ўлароқ Суғдда, хусусан, илк ўрта асрларда зарбхоналари бўлган Самарқанд ва Панчда зарб этилган тангаларда деярли учрамайди. Уструшона тангаларининг бошқа воҳа ҳокимликларнидан фарқли, уларда ўрин олган хукмдор тасвири ўзига хос қиёфада, фарқли бош кийимида (тож?) тасвирланишидир. Шунингдек, минтақанинг бу давр тангаларидан фақатгина Уструшона тангаларида фил тасвири учрайди. Гарчи, бу даврда зарб қилинган Υ шаклдаги тамғали тангаларда суғдий ёзувда Раханч, Чирдмиш, Сатачари каби хукмдор номлари учраса ҳам, улардан биронтаси ёзма манбаларда акс этган Уструшона хукмдорлари исмларига тўғри келмайди. Яъни, тангаларда жой олган мазкур исмлардан ҳеч қайсиси шу пайтгacha ёзма манбаларда учратилмади.

Уструшона тангаларида ўрин олган тамғалар асосан бир хил бўлиб (Υ), кичик фарқлар тангани зарб қилдирган хукмдор билан боғлиқ равишда учрай бошлайди. Ушбу шакл нафақат Устуршонанинг бошқа тангаларига балки Самарқанд хукмдорлари томонидан зарб этилган сиртмоқ шаклли тангадаги тамғага ўхшаш. Шу ўринда бошқа айrim ҳокимликлар тангаларида бўлгани каби Уструшона тангаларида ҳам асосий тамғага қўшимча белги улангани кўзга ташланади. Масалан, қуйида кўриниб турганидек, Раханч номли хукмдор тангаларида айнан асосий тамға сақланган бўлса Чирдмиш тангаларида тамғанинг тепа учлари чап томонга қайрилган ҳолатдаги кўринишни олади - . Раханч тангаларининг айrim типларида эса христианлик символи бўлмиш хоч ўрин олиши билан бирга асосий тамға шаклида ҳам ўзгаришлар бўлгани тамғанинг чапга қайрилган пастки қисмига яна шунга ўхшаш қўшимча белги бириктирилгани пайқалади - . Бундай ҳолат юқорида таъкидланганидек, Уструшонага қўшни Самарқанднинг Ихшидлар даври тангаларида ва Панч хукмдорлиги тангаларида яққол сезилади. Сатачари тангаларида эса асосий



тамға ва унинг тепа учлари ўнгга қайрилган варианти акс этган тамға ёнма-ён жой олганлиги кўзга ташланиб (Ч), бу эса ушбу тамғаларнинг алоҳида-алоҳида рамзий белгилар бўлганидан дарак беради. Қуйида улардан намуналар келтирамиз:

Б.Ғойибовга сұяниб келтириш мүмкінки, баъзан муайян бир ҳокимликда мавжуд сулола вакили ўзидан олдин ҳукмронлик қилган қариндоши (отаси, акаси ёки яқинларидан бири)дан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, анъанавий тамғага бирон бир қўшимча белги илова қилгани кўзга ташланади. Бу асосан Самарқанд ихшидлари, Панч ҳукмдорлари тангаларига хосдир [6.6-11.].

Бу давр пул муомаласидаги мис тангаларнинг Ўрта Осиё воҳа ҳокимларни кенг ёйилган нусхаси бевосита Хитой таъсири билан боғлиқ бўлган. Яъни, минтақадаги кўплаб катта-кичик ҳокимлик – мулкликларда савдо-сотик асосан ўртаси тўртбурчак шаклда тешилган мис тангалар воситасида олиб борилганлиги айрим Фарғона, Чоч, Суғд (Самарқанд, Кеш, Панч)да мисолида ўз ифодасини топади [5.68-76]. Хитой танга-пул тизимининг таъсири айниқса, Самарқанд тангаларида кўзга ташланиб, бу ҳолат уларнинг нафақат ташқи шакли (ўртасида тўртбурчак тешикнинг мавжудлиги), балки сувдий ёзув ёки тамға ёнида хитойча иероглифларнинг учрашида ўз тасдигига эга. Суғд тангаларида хитойча анъаналарнинг учраши бир қатор тадқиқотчилар фикрича, ўша даврдаги сиёсий вазият билан боғлиқ бўлмай, балки кўпроқ иқтисодий-маданий алоқалар билан боғлиқ эди [12.31-38.].

Муаммонинг қизиқ жиҳати шундаки, Суғд, Фарғона, Чоч ва Бухородан фарқли ўлароқ Уструшона тангаларида Хитой таъсири умуман кузатилмайди. Бу ҳолат Уструшонанинг Хитой билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари Суғд, Фарғона ва Чочга нисбатан бирмунча суст бўлганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, илк ўрта асрларда, айниқса, VI – VIII асрларда Суғд воҳасидан, хусусан, унинг Самарқанд ва Кеш ҳокимларидан хитой императорларига кўплаб элчиликлар борган [11.198.], шунингдек, 650-750 йиллар орасида Фарғона ва Чоч билан сиёсий алоқалар кучайган паллалар бўлган. Шу билан биргалиқда, Суғд (Самарқанд) тангаларига қаторига киритиладиган, олд томонида хитойча жумлалар, орқа томонида эса Ч шакли Уструшона тамғаси ва сувдийча βγу “илоҳий, жаноб” сўзи ўрин олган тангалар тадқиқочиларнинг диққатини жалб қилиб келади.

Демак, ушбу тангаларда Уструшона тамғаси жой олган бўлиб, улар Самарқандда зарб қилинган тангалар сифатида талқин қилиниши ҳам бир қатор саволларни келтириб чиқаради. Эҳтимол, бу тамға дастлаб Самарқанд Суғдидан сулолавий белги сифатида ишлатилган бўлиб, кейинчалик Уструшона тангаларида ҳам ўрин ола бошлагандир. Бу эса Суғд ва Уструшона ҳукмдорларининг ўзаро қариндош бўлганлиги борасидаги қарашларни кучайтиради.

Уструшона тангаларини Суғдан анчагина ажратиб турувчи хусусиятлардан бири – бу ушбу ҳокимлик тангаларида ҳинд маданий-мағкуравий таъсириининг кузатилишидир. “Сатачари III” деб номланадиган Уструшона тангаларида эса ҳукмдор боши ўрнига фил расми ва “Жаноб Сатачари” ёзуви ўрин олиб, у Ҳиндистоннинг фил бошли яхшилик ва эзгулик худоси Ганеша билан боғлаб тушунирилади. Ганеша нафақат донишмандлик тимсоли, балки савдо-сотик ҳимоячиси бўлиб ҳисобланиб, Уструшона тангалари ўзида учта дин – зардӯштийлик, буддизм, христианлик динлари рамзларини акс эттирганидан дарак беради [10.251.].



Шунингдек, “Сатачари” сўзи ҳинд маданий муҳити билан боғланади. Тадқиқотчилар фикрича, бу атама “устоз, муаллим” маъносидағи санскритча *sadācāriya* сўзга алоқадордир. Бу эса Уструшона мафкуравий ҳаётида буддавийлик анъаналари бирмунча кенг тарқалган, деб ҳисоблашга имкон беради. Яъни, исломдан олдинги Уструшона тангаларида ҳам ҳиндча сўзнинг учраши, ҳамда Ҳинди斯顿 муҳитига ва ҳинд санъатига хос тасвирларнинг тангаларда акс эттирилиши бежиз бўлмаса керак. Ўрта Осиёнинг Ҳинди斯顿 ва Эрон ёки Хитой ва Эрон ҳамда Европа ўртасида ўзига хос ўтувчи кўпприк вазифасини бажарганлиги ушбу минтақадаги нумизматик материалларда ҳам ўз аксини топганлиги ушбу ҳолатда маълум бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Суғд ва Уструшона тангалари ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий муҳити билан боғлиқ тарихий жараёнлар маҳсулидир. Танга зарби Уструшонада нисбатан кеч – илк ўрта асрларда бошланган ва турлари унчалик кўп бўлмаса-да, ўзига хос иконографияси ва бошқа жиҳатлари билан Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳокимликлар тангаларидан бирмунча ажралиб туради. Уструшона тангаларида ўрин олган тамғалар ҳам ўзига хос бўлиб, айrim ҳолатларни эътиборга олмаганды қўшни ҳокимликлар тамғаларидан катта фарқ қилиб, келиб чиқишига кўра, эҳтимол, Самарқанд Суғди билан боғланади.

Хуллас, Суғд ва Уструшона орасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий алоқаларни нумизматик материаллар асосида қараб чиқиши шундан дарак берадики, ўзаро қўшни бўлган ушбу тарихий-географик ўлкалар бир неча жиҳатдан муштарак бўлган. Бу айниқса Самарқанд ва Уструшона, Панч ва Уструшона орасидаги сулолавий ришталар мавжуд бўлганлигини кўрсатадиган рамзий белгилар – тамғалар, унвонлар – *MR'Y* (“афшин”), ягона тил ва ёзув – сугдий анъаналарда ўз тасдигини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алманов Қ. Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Уструшона. Тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Қарши, 2021. – Б. 93-95.
2. Бабаяров Г., Кубатин А. Древнетюркские монеты Согда с титулом Хатун // Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари) – История и культура Узбекистана (Материалы республиканской научно-практической конференции). – Тошкент: Tafakkur, 2011. – С. 251-256.
3. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л.: Изд. АН СССР. – Том I. – 1950. – С. 292;
4. Бобоёров Ф. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент, 2010. – Б. 18-40.
5. Гойибов Б. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерациясининг айrim хусусиятларига доир (нумизматик материаллар асосида) // Шарқшунослик. – Тошкент, – 2014. – № 2. – Б. 68-76.
6. Гойибов Б. К нумизматической истории Согда // Ilmiy axborotnoma. Научный вестник. – Samarcand, 2016. – №4 (98). – Б. 6-11.
7. Гойибов Б. Суғд конфедерациясида Иштихоннинг ўрни хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2014. – №3. – Б. 35-39.



8. Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента // Нумизматика Центральной Азии. – Ташкент: 2004. – Вып. VIII. – С. 58-59.
9. Исҳоқов М., Бобоёрв Ф., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 89, 99.
10. Кудратов З. Уструшона тангалари // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 250.
11. Лившиц В.А. История изучение Согда / Рахмат-наме. Сборник статей к 70-летию Рахмата Рахимовича Рахимова. – СПб: Кунсткамера, 2008. – С. 198.
12. Ртвеладзе Э. В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1982. – № 8. – С. 31-38.
13. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 31-34.
14. Yoshida Y. Turkish rule of Sogdians as reflected on coins: Some new readings of the legends of coins belonging to the Shinji Hirano Collection. ... – P. 168.